



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 21 февраль, шанба • № 14-15 (10.997-98) • Эркин нархда сотилади.

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КИЕВ, 19 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда.

Бугун мамлакат пойтахтидаги Мариинск саройининг яшил залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президентлар Ислон Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги «Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш

тўғрисида»ги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўндан зиёд ҳукуматлараро ҳужжат ҳам қабул қилинди.

Маросим сўнггида икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон раҳбари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган украин фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо этиб, номаълум аскар қабрига гулчамбар

қўйди.

Давлатимиз раҳбари Украина Бош вазири В. Пустовойтенко билан учрашди. Учрашув чоғида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Украина Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академиясининг Гидротехника ва мелиорация институтига ташриф буюрди. Украина олимлари ишлаб чиққан илмий тадқиқотлар би-

лан танишди. Суғориш ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси кўргазмасини кўздан кечирди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг етакчи мутахассислари билан суҳбатлашди.

Айни пайтда Президент Ислон Каримовнинг Украина Верховна Радаси — парламенти раиси А. Мороз билан учрашуви кутилмоқда.

Кеча Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Украинага расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Аҳмад ХўЖА.
(ЎЗА).

Вилоят ҳокимлигида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ШУ йилнинг 19 февраль куни вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низомни бажариш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят бошқарма, бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, вилоят ички ишлар бошқармаси тизимидаги паспорт бўлинмалари бошлиқлари, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари вилоят бўлимларининг расислари иштирок этдилар.

Йиғилишда айрим шаҳар ва туманлар паспорт бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорларини ва мавжуд Низомни бажаришда камчилик, нуқсонларга йўл қўйилаётгани, фуқароларни қайд этиш тартиблари бузилаётгани, паспортлар бериш ва алмаштириш масаласи чуқур таҳлил этилмаётгани, ҳокимликлар қошида ташкил этилган комиссиялар бу ишга масъулиятсизлик билан ёндошаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда камчиликларни бартараф этиш юзасидан ички ишлар бошқармаси ходимлари, ҳудудий нозирлар, маҳалла оқсоқоллари, турар жойдан фойдаланиш идоралари ходимлари, шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимларининг паспорт бўлинмаси раҳбарларига аниқ вазифалар топширилди.

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ҲОЖИАСИ

ШУ КУНИ вилоят ҳокимлигида гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги ишларни мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг муовинлари, божхона хизмати, вилоят солиқни сақлаш тизими ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлигининг биринчи муовини Дилшод Қодировнинг ахбороти тингланди.

Йиғилиш иштирокчилари гиёҳванд моддаларнинг вилоятга кириб келиши олдини олиш, уларни етиштириш, сотиш, истеъмол қилишга йўл қўймаслик чора тадбирлари юзасидан фикрлашдилар. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда комиссиянинг фаолиятини янада жонлантириш, жойларда бу борадаги ишларни қучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди. Мувофиқлаштирувчи комиссия таркибига ўзгартиришлар киритилди.

АСКАРЛИК — ЙИГИТЛИК БҮРЧИ

КУНИ кеча вилоят ҳокимлигида 1997 йилда шаҳар ва туманларда ёшларни ҳарбий хизматга чақириш юзасидан қилинган ишлар якуни ва бу борада 1998 йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, муҳофаа ишлари шаҳар ва туман бўлимларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишда кун тартибдаги масала юзасидан вилоят муҳофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматулла Тошхўжаев ҳисобот берди.

Йиғилишда бўлажак аскарларни чақирувга тайёрлашда Чирчиқ шаҳри, Янгийўл, Қибрай туманларида эътиборга лойиқ ишлар қилинганлиги ва яхши натижалар

га эришилганлиги таъкидланди, мутасадди ходимлар рағбатлантирилди. Айни пайтда Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Тошкент туманида бу масалага раҳбарлар лоқайдлик билан ёндошаётганликлари, бўлажак аскарларни армия хизматига тайёрлаш ишлари сушт олиб борилаётганлиги жиддий танқид қилинди.

Йиғилишда ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бўлажак аскарларни армия сафига чақирувга тайёрлаш борасида масъулиятни ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

БҮР ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

Чирчиқдаги «Электрохимсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида илғор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш ишлари муттасил давом этмоқда. Жумладан, кимёвий бўр ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ниҳоясига етди.

Корхонанинг олтинчи цехида янги қурилмани ўрнатиш учун майдон ҳозирлаб қўйилди. Бу қурилма ёрдамида ҳар йили уч юз тонна атрофида бўр тайёрланади. Жамoa аъзолари бундан йилига сал кам 4 миллион сўм даромад қиладилар. Энг муҳими, бу тадбир шу маҳсулотга республикамиз бўйича ўсиб бораётган талабни қондиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

Собир МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Буаунга сонга:



ЎЗБЕКИСТОН
ТИЛЛОСИ

2-БЕТ



ОИЛА
ИСТИҚЛОЛ
БЕШИГИ

(Махсус
саҳифа)

3-БЕТ

ТАБААТ ВА
ИНСОН

5-6-7-8-БЕТЛАР



ОДАМ
ҲАҲТА
ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

10-БЕТ

Қишлоқ ва
ислохот
БУЛТУРГИ
ХАТОЛАР
ЕТМАСМИДИ?

4-БЕТ



ЎЗБЕКИСТОН ТИЛЛОСИ

ЯҚИНДА Олмалик кон-металлургия комбинатига Лондондаги қimmatли металл биржасидан хушхабар келди. Унда корхона 1997 йилдаги тижорат фаолияти якунлари бўйича «Тижоратдаги обрўси учун» дипломи ва олтин соврин билан мукофотланганлиги хабар қилинган эди.

Бу кейинги икки йил ичида кончилар ва металлургиялар жамоаси сазовор бўлган учинчи халқаро мукофот эди. Лондондаги шу биржа ўтган йил бошида комбинат жамоасига қумушни «Энг яхши етказиб берувчи», 22-октябрда эса олтин қуймаларини «Энг яхши етказиб берувчи» муқобили тўғрисидаги шаходатномаларни берган эди. Жаҳон амалиётида бир корхона бир йил ичида шундай шарафли мукофотга икки марта муносиб кўрилди. Ишлаб чиқариш жараёنларини такомиллаштириш, янги техника ва

замонавий технологияларни жорий қилиш корхона жамоаси эришадиган ютуқларнинг омиллари бўляпти. Шу туфайли фақат мис тайёрлаш ҳажми 2,5 барабар кўпайди. Экспортга маҳсулот етказиб бериш миқдори ҳам ортди. Бундай маҳсулотнинг 67 фоизи хорижий мамлакатларга жўнатиляпти.

Эндиликда комбинат жамоаси соф мисни Лондон биржасида рўйхатдан ўтказишга ҳозирлик кўряпти.

СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқарилган тайёр олтин қуймалари; «Тижоратдаги муваффақияти учун» олтин соврини; комбинатнинг ишлаб чиқариш цехларида.

Равшан НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎЗА).

БЎШ КЕЛМАНГ, КЕЛИНЧАКЛАР!

Куни кеча Оққўрғон туманида Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси ҳамда «Наврўз» ҳайрия жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган «Энг ибратли келинлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловнинг асосий мақсади келинчаларимизнинг шарқона одоби, меҳмоннавозлиги, пазандалиги, чаққонлиги каби ўзгалар ҳавас қилса арзийдиган урф-одатларимизни ёшларимиз ўртасида тарғиб қилишдан иборатдир.

Фойта қизиқарли ўтган бу тадбирни нуфузли ҳакамлар ҳайъати муносиб баҳолади. «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Маҳфузахон Мансурова

биринчи, Алимкент кўрғонилик Дилором Қўлдошева эса иккинчи ўринни эгаллашди. Ғолиб келинчалар ва танлов иштирокчилари эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева иштирок этди.

Малика ТУРДИБОЕВА.



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«СУВ ВА ЧИРОҚ — КАТТА МУАММО»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 5 январь сониде «Тахририятга мактуб» рукни остида «Сув ва чироқ-катта муаммо» номли танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Бордонқул қишлоғида сув тақчиллиги, вақт-бевақт хонадонларда чироқ ўчиб қолиши каби камчиликлар ҳақида сўз юритилганди.

Тахририятга мазкур чиқиш юзасидан Юқоричирчиқ тумани ҳокимининг муовини Г.А.Юндан жавоб хати келди.

— «Газетада босилган «Сув ва чироқ — катта муаммо» сарлавҳали танқидий мақолада кўрсатилган нуқсонлар ҳақиқатдан ҳам мавжуд, — дейилади

жавоб хатида. — Хат муаллифи Анора Тошкенбоева қайд этган «Миробод» маҳалласидаги ичимлик суви ва электр тармоқлари собиқ Юқоричирчиқ қаноп қорхонасига тегишли бўлганлиги учун аҳолига ўша қорхона томонидан хизмат кўрсатиб келинган. Кейинги пайтда мазкур қорхона фаолияти вақтинча тўхтатилган. Айни кунларда ушбу жамоага тегишли бўлган электр тармоқларини туман электр тармоқлари балансига ўтказиш чораси кўрилди. Ичимлик суви масаласини ҳал этиш бўйича ҳам тадбирлар белгиланди.

Г.А.ЮН,
туман ҳокимининг муовини.

ТАХРИРИЯТДАН:

КУП УРИНИШ ва иддаолардан кейин ниҳоят, Юқоричирчиқ тумани ҳокимлигининг танқидий чиқишимизга жавоб хатини олишга муваффақ бўлдик. Аммо, бу жавоб на Бордонқул (хатда «Миробод» дейилади) қишлоғи аҳолисини, на тахририятни қониқтира олди. Авваламбор, мактуб жуда юзаки ёзилган. Ҳокимликдаги масъул ходимлар хат матнини тайёрлашда «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш кўришганга ўхшайди.

Улар жилла қурмаса газетанинг таъна-дашномларидан қўтилайлик, уёғи бир гап бўлар, деб ўйлашган бўлса ажаб эмас.

Юқоричирчиқ ҳокимлигидаги биродарларимиз газетада босилган танқидий мақола юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилганлиги ҳусусида аниқ-тиниқ жавоб беришганида маъқул иш бўлар эди. Улар меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига бунчалик бепарволик билан қарамасликлари лозим эди. Афсус!..

Булар ҳақида кам ёзилади

МЕҲРИГИЁСИ БОР УНИНГ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ орасида шундай инсонлар ҳам борки, улар оддий касб эгалари бўлсалар-да, халққа қилаётган беиминнат хизматлари туфайли одамлар қалбида ўзларига нисбатан илиқ меҳр уйғота оладилар. Одатда бундай кишилар ҳақида кам гапирилади, кам ёзилади. Лекин, уларнинг хизматида баҳраманд бўлмаган одамнинг ўзи йўқ.

Абдумалик Назаровни алимкентликлар яхши танишади. У кинемеханик. Бу касбнинг сир-асрорларини марҳум устози Камол ака Мустафоевдан ўрганган.

Абдумалик кино намоиш қилишдан зерикмайди. Аксинча, у ўз меҳнатини астойдил, завқ-шавқ билан адо этади. Бунинг учун у туман кинофикация бўлимидан доимо энг яхши фильмларни олиб келишдан, ўрни келганда бепул фильмлар намоиш қилишдан ҳам эринмайди. Бу ҳислатлари билан у Алимкент кўрғони аҳолиси ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаётир. Чунончи, алимкентлик қариялар Эшқўзи Ҳамроқулов, Исроил Саидов, Мирза Мақсудов қабилир Абдумалик олиб келган фильмларни тез-тез томоша қилиб туришади. Улар тажриба-

ли кинемеханик ҳақида ҳамиша илиқ фикрларни айтишади.

Абдумалик Назаровнинг одамларга беиминнат хизмат қилишида унинг шоғирдлари Анорбой Ражапов, Павел Сеитов, Алишер Шерназаровлар яқиндан қўмақ берадилар. Ундан кинемеханиклик хунари бўйича етарли тажриба орттиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса Абдумаликни ўз касбига янада масъулият билан ёндошишга даъват этади.

Ҳикоямиз қаҳрамони яхши касб эгаси бўлиш билан бирга аҳил ва тотув оила соҳиби ҳамдир. У турмуш ўртоғи Нинахоним билан биргаликда икки нафар фарзандлари Бахтиёр ва Русланларнинг баркамол бўлиб ўсишлари учун ҳаракат қилмоқдалар.

Хусанбой АВВАЛОВ.



ОИЛА

ИСТИҚЛОЛ БЕШИГИ



ХОНАДОНИНГИЗ ТИНЧМИ!

Биз дўсту биродарлар, қариндош-уруғлар, қўйинчи, ким билан кўришмайлик, учрашмайлик айтадиган биринчи сўзимиз «Оилангиз тинчми?» деган калима бўлади. Бу бежиз эмас. Чунки, хонадон тинчлиги — бу юрт тинчлиги, оила хотиржамлиги, ватан осойишталигидир.

Мамлакатимиз йўлбошчиси 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилар эканлар, оиланинг инсон, жамият, умуман, давлат тараққиётида тутган ўрнини шарҳлаб «... Оилага эътиборни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало, ижтимоий жиҳатдан химоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор» деган эдилар. Зеро, республикаимизда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир ва ислохотларнинг замирида айнан одамлар тўғрисида ғамхўрлик, халқ турмуш фаровонлигини оширишдек муқаддас максадлар ётади.

Шунинг учун ҳам республикаимизда эълон қилинган ҳар бир оилайжон ташаббус ва тақдир ўзининг амалий натижалари, кенг қўламли фаолияти билан халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда, инсонларнинг қалбига кириб бормоқда.

Биргина «Оила йили» муносабати билан сўнгги уч ойда амалга оширилган ишларга эътибор берайлик. Президентимизнинг ушбу масалаларга бағишланган махсус фармойиши эълон қилинди. Унда оила йили билан боғлиқ давлат дастурини ишлаб чиқиш комиссияси ва дастурнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлибди. Шу асосда 1998 йилнинг 27 январидан оила манфаатларини таъминлаш борасидаги 150 дан кўпроқ тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури тўғрисида Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бунинг учун мамлакат бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Олий Мажлиснинг X сессиясида «Оила кодекси» бир овоздан маъқулланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш

тўғрисида»ги қарори оила манфаатларини янги поғонага кўтариш йўлида қўйилган яна бир салмоқли қадам бўлди. Шу муносабат билан вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар қўламли вилоят ҳокимининг қарори ва вилоят дастурида ўз аксини топди. Холис айтганда, қачон ва қаерда бундай амалий, ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий тадбирлар билан мустаҳкамланган таъминотларни кўрганмиз.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, ўтган қисқа даврдаёқ барча вилоятларда, туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда «Оила йили» муносабати билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг натижалари кўзга кўрина бошлади. Буни ҳар бир оила ўз ҳаёти фаолиятида, кундалик туриш-турмушида, ривқ-рўзғорида ҳис этмоқда. Жойларда янги-янги ташаббуслар юзга келмоқда. Хусусан, вилоятимизнинг Қибрай туманидаги Ўнқўрғон фуқаролар йиғини фаолларининг «Оила йили» муносабати билан белгиланган тадбир ва тавсиялари тобора оммалашиб бормоқда.

Булларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлининг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги самарасидир.

Биз бугун газетаимизда ушбу саховатли йил муносабати билан ташкил этилган махсус саҳифамизни «ОИЛА — ИСТИҚБОЛ БЕШИГИ» деб атадик. Зеро, бу дунёда инсондан муқаддас, оиладан табаррук нарсаси йўқ. Бизнинг буюк келажакимизни, истиқболимизни қуражак фарзанд ҳам ўша оилаларда камол топади, ана шу буюк келажакка замин яратаятган ишларни амалга ошираётган ота-она ҳам шу оилаларда истиқомат қилади, мухтасар қилиб айтганда, сиёсат ҳам, иқтисод ҳам, ислохот ҳам, маънавият ҳам, маърифат ҳам баайни шу оилалардан бошланади.

Азиз муштарийлар! Уйлаимизки, ушбу саҳифа сизга манзур бўлади. Энг муҳими, ҳар бирингизнинг ушбу саҳифага айтар уй-фикрларингиз, мушоҳадаларингиз, дил сўзингиз бўлиши табиий. Шундай қилиб биз сизни яна бир хайрли ишда биргаликда фаолият кўрсатишга чорламоқдамиз...

МАҲАЛЛАДА ИШЛАР КҮП

ҲАР сафар фаоллар билан бирон бир тадбирга ҳозирлик кўраётганимизда Президентимизнинг маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеига юксак эътибор бериб «... ҳаётимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам элуслунинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда», деган сўзлари ёдимизга тушади.

Ростдан ҳам шундай. Биз туман ҳокимлиги раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ходимлари билан маслаҳатлашиб, ўтган йили ўзимизга хос дастуримизни ишлаб чиққан эдик. Унда республика ҳукумати қарорларининг ижросини таъминлаш асосий йўналиш қилиб олинди. Режамизнинг қолган бандларида эса ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда, қандай тадбирларни рўйбга чиқара олсак, ўша вазифалар мазмунини ўз аксини топди. Улардан бири худудимиздаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар сонини аниқ рўйхатга олиш ва уларнинг моддий таъминотини яхшилашга қаратилган эди.

Биз Ўнқўрғон фуқаролар йиғини худудидаги маҳаллалар иш услубини ўрганиб, янгилашмаган эканмиз. Маҳалламизда илгариги йиллардагидек кам таъминланган оилалар 5 та эмас 11 та эканлиги, айни пайтда, ногирон бўлмаса ҳам камқувватлиқ туфайли меҳнат қobiliяти суст бўлган 8 оила бошлиғини аниқладик. Бу оилаларга юртбошимиз фармонларига мувофиқ бериладиган ёрдамлардан ташқари, маҳалламиздаги ўзига тўқис қишлоқ, тадбиркорлик орасида оёққа турганларни бирктириб қўйдик. Шу тариқа маъжур хонадонлар ҳаёти яхшиланди.

Наврўз айёми арафаси эди. Хонадон соҳиби Алимбек Пердешев билан мулоқотда бўлиб, ўғли Баҳодирнинг никоҳ туйини бошладик. Маҳалланинг қудратини шунда кўрибмиз. Ийғинимиз, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ажратган маблағлардан ташқари, бу тантаналар ёрдам берувчилар кўпайиб кетди. Биров мевасини, биров нонини, биров ош-овқатини кўтарадиган бўлди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг севинганимдан кўзларимга ёш қалқиди. Орамизда шундай саховатли одамлар борлигини кўриб, кўнглим яйраб кетди. Бунинг устига савобли иш қилаётганимизни эшитиб, қўшни Навоий номили маҳалла оқсоқоли Раҳмат Мўҳинов бошчилигида вакиллар ҳам соғва-саломлар билан ташриф буюришди. Кўпчилик бош қўшган тадбир ўзгача файз билан ўтди.

Ёшлар кечасида маҳалла аҳлидан ташқари, туман ҳокимлигидан, ташкилотлардан ҳам меҳмонлар иштирок этишди. Тўй соҳибларини табриклар билан дил сўзларининг юракдан эканлиги шундоқ сезилиб туради.

Биз бу йилдан бошлаб ўнқўрғонликларнинг «Қўша қариган кексаларни шарафлаш» борасидаги ташаббусига қўшилиб, «Табаррук ёшингиз муборак!» мавзuida туманимиз ривожига меҳнати сингиб, эл орасида обрў-эътибор толган отахон ва онахон тўйларини ҳам ўтказиб туришни режалаштирдик.

Маҳаллада ўтаётган суннат тўйлари, турли байрамларга меҳнат фахрийлари Фаттоҳ Исмоилов, Тешабоевлар бош-қош бўлишмоқда.

Айни пайтда истиқлол йиллари ичида аҳолига қулайликлар яратиш борасида амалга оширган ишларимиз ҳам диққатга сазовор деб ўйлаймиз. Маҳалламизга табиий газ етиб келди. Ҳозир юздан ортиқ хонадон бундан баҳраманд. Ичимлик суви муаммолари ҳам ҳал этилмоқда. Йўллар, йўлкалар асфалтланди. Чойхона атрофидаги худудлар ободонлаштирилди. Ҳар бир хонадон ўтказилган «Озодалик ойлиғи»да фаол иштирок этмоқда. Қўчаларга дарахтлар экилиб, чирой бағишланди. «Ибратли оила», «Ибратли келинчақ» танловлари доимий анъанага айланди. Дастуримиз асосида рўйбга чиққан тадбирлар туманда муносиб баҳоланди. Ўтган йилги «Маҳалла» кўрик-танловида ғолиб чиқдик.

Мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ахил, иноқ ва уюшқоқ маҳаллаларимизнинг «Оила» йилидаги режалари сермазмун. Хусусан, аҳоли ижтимоий ҳимояси янада яхшиланди. Ҳар бир хонадонда ота-оналар билан ҳамкорликда баркамол, маънавий етуқ, соғлом ёшларни вояга етказишни кўзда тутувчи ҳайрли тадбирлар қўламли кенгайтирилди.

Ахрорхўжа ИБРОХИМОВ,
Юқориқирчиқ туманидаги
Янғибод
маҳалла кўмитаси раиси.

ОИЛА БЕШИГИ

• АКА билан ука деҳқончилик қилиб, халқ олдида иззат ва ҳурмат билан яшар эди. Лекин, ака сўққабош бўлиб, укаси эса аксинча серфарзанд экан. Ака: «Укамнинг бола-чақаси кўп, рўзғорда кийналиб қолмасин», — деб ҳар кеча укасининг омборига бир қоп бугдой тўкиб кетар экан. Ука бўлса: «Акамнинг кўнгли ярим, унга кўмак бўлсин», — деган ҳаёлда ҳар кеча унинг омборига бир қопдан бугдой ташлаб кетар экан.

Ана шуни айтишади-да, ахиллик бор жойда барака ҳозирдир, деб.

• БИР КИШИГА отасидан катта мерос қолди, лекин, у шу кундан бошлаб меҳнатга яна ҳам қаттиқроқ киришди.

Одамлар:
— Шунча мол-дунёга эга бўла туриб, меҳнатга берилиб кетишингизнинг боси нимада, — деб сўрадилар.

— Пешона тери билан меҳнат қилсам, уйлансам, бола-чака орттурсам, улар пок, соғлом ва бақувват ўсадилар, ҳалол ҳаёт кечирадилар, — деб жавоб берди у.

• БИР ОИЛА аза тутар эди. Эшикни тақиллатиб, азадан беҳабар бир меҳмон келиб қолди. Дўстлар самимий учрашишди, дилкашлик қилишди. Палов ҳам тортилди. Меҳмон хайрлашиб, «Раҳмат, дўстим» дея йўлга равона бўлди. У кўчадан кетатуриб: «Нега дўстим хориган, кўзлари чўккан» деб ўйларди.

Тўпловчи:
Абдураҳим
УМАРБЕКОВ.



Момонинг оқ фотиҳаси...

Тўлқин КАРИМОВ сурат-лавҳаси.

ОНАЛАР САЛОМАТ БЎЛСИН

ТУМАН ҳокими муовинлигига тайинланган дастлабки кунларим эди. Бунақа жараён ҳар бир раҳбар ходимнинг бошидан ўтган бўлса керак, ишни нимадан бошласам экан, деган савол тинчлик бермасди.

Уйда ҳам, йўлда ҳам, хизмат хонасида ҳам шуни ўйлардим. Хомушроқ юганимни кўрган туман ҳокими худди дилимдагини билгандай «Бугун мавжуд муаммолар тўғрисида ўзингиз учун режа тузиб кириш, батафсил суҳбатлашамиз», деб қолди. Ўйлаб кўрсам ҳал қилиниши керак бўлган масалалар анчагина экан. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилалар саранжом-саришталиги, хотин-қизлар ҳуқуқий билимларини ошириш, янги иш жойлари барпо этиш, тадбиркор аёллар ҳаракатига кенг йўл очиш каби 20 га яқин муаммоларни ёзиб кирдим. Ўша кунни тузган режаларим зое кетмади. Туман хотин-қизлари саломатлигини мустаҳкамлашнинг истиқбол дастурини ишлаб чиқиш,

оилаларни ижтимоий химоялаш, маданий-маърифий ишлар юзасидан чуқур суҳбатлашиб олдик. Озгина фурсат ўтгач, ана шу дастур ва тадбирлар тизимига мувофиқ фаолиятимиз бошланди. Ўтган йил декабрь ойида бир йиллик қилинган ишлар билан биргаликда бундан аввал белгиланган режалар якунини ҳам чиқардик.

Йиғилишда сўзлаганлар туманда оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида рўйбга чиқарилган тадбирларни, айнқиса, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказганлигимиз, аниқланган беморлар шифохоналарда соғайганликлари ҳақида мамнун бўлиб гапирдилар.

Истиқлол йиллари мобайнида туманда 80 нафар тадбиркор хо-

тин-қизларни бағрига олган «Айлин» номили кўшма корхона ишга тушди. Қатор фуқаролар йиғини, хўжаликлар қошида туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда кичик корхоналар очилди.

Маънавият борасида ҳам силжишларга эришдик. Хусусан, «Камолот», «Нуроний» жамғармалари билан бирга «Шу мустақил юрт бизники», «Ватаним билан фخرланаман», «Истиқлолимизнинг саодатли йўли», «Комил фарзандлар — оила кўрки» сингари мавзуларда мулоқотлар ўтказилди.

Туман хотин-қизларидан иборат фаоллар мунтазам равишда «Саховат уйи»да, ночор оилалар ҳузурида бўлиб, уларнинг хонадонларидан хабар олиб турибдилар. Байрамларда бундай оилалар совғалар билан йўқланмоқда. Биз самарали тадбирларни «Оила йили»да ҳам амалга ошириб бораверамиз.

Бахтихон МАДАМИНОВА,
Оҳангарон туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси, ҳоким муовини.

ФАҚАТ РАҲМАТ ЭШИТИШДИ

ЯҚИНДА Қибрай туманидаги қатор фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, маҳалла кўмиталари раислари, ота-оналардан иборат гуруҳ Ўзбекистон Қуролли Қучлари сафида хизмат қилаётган фарзандларини кўриб келиш учун Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида бўлишди.

— Очинини айтганда, мен армияда бундай кенг, ёруғ, ораста ётохоналарни кўраман, деб сира ўйламаган эдим, — дейди фарзанди, оддий аскар Ботиржон билан дийдор кўришиб қайтган Баҳриддин ота Зиёвуддинов. — Шу пайтгача 9 та ўғлимни армияга қузатганман. Ботиржон кенжаси эди. Ҳар хил миш-мишларни эшитиб, гоҳи гоҳи хавотирга тушардим. Бехуда ташвишланган эканман. Ўғлим дуркин йигит бўлибди. Айниқса, командир Шавкат Назаров: «Отахон бундай ҳозиржавоб, зехнли йигитни тарбиялаганингиз учун сизга, оила-аъзоларингизга раҳмат», дея мени бағримга босганда бошим кўкка етгудек бўлди...

Навоий вилоятидаги қисмда қибрайлик аскарлар олдида меҳнат фахрийлари Сабриддин ота Тўхтаназаров, Зулхумор Раҳимовалар сўзлаб туманимиздан саломлар етказишди, совғалар топширишди. Сўнг қисм зобити Ҳалимжон Юсупов армия ҳаёти ҳақида гапириб берди.

Ота-оналар бу қисмда хизмат қилаётган сержант Дониёр Асатов, Ҳасан-Хусан Тошмухамедовлар, Жондас Хожикўлов, Абдуҷаббор Нурметов, Фахриддин Шамсиев, Эргаш Эрматовдек паҳлавонларининг фидойи хизматлари учун командирлардан фақат миннатдорчилик сўзларини эшитдилар. Шунингдек, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ўз бурчларини ўтаётган йигитлар билан учрашган ота-оналар ҳам бу худудлардан кўнгиллари тўлиб, хурсанд бўлиб қайтишди.

Ҳабибулло
ТОШПУЛАТОВ,
Байқўрғон
қишлоғидаги
Кўприқбоши маҳалла
кўмитасининг раиси.

Кишлоқ ва ислохот

БУЛАТУРТИ ХАТОЛАР ЕТМАСМИДИ?

Куздаги ҳосилнинг тақдири кўп омилларга боғлиқ. Уруғликни сифатли тайёрлаб, вақтида экиб, текис ундириб олиш, ғўзани сифатли парвариш қилиш, қатор ораларига маромига етказиб ишлов бериш ана шулар жумласидандир. Аммо, ҳозир сира уҳам кечиктириб бўлмайдиган шундай омил борки, уни шу кунларда ба-

жариб қўймаса пировардида ҳосил салмоғига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу — техникани сифатли таъмирлаб, экиш мавсумига шай қилиб қўйишдир. Биз яқинда Бўка тумани хўжаликларида бўлганимизда ана шу ишларнинг бориши билан та-

қўётганидан ҳам билиш мумкин.

«Бўка» хўжалигидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. 9 та чопиқ тракторидан 3 таси, 1 сеялка, 4 та культиватор, 20 та тишли баронанинг таъмири ҳар хил сабаблар билан чўзилиб кетаяпти. Айниқса шу кунгача бирорта ҳам чигитни плёнка остига экадиган маҳсус сеялка олинмагани жиддий ташвиш туғдиради. Ахир иш ана шундай «бугун-эртага» қабилида давом этаверадиган бўлса, сеялалар қачон олинади-ю қачон тикланиб экишга шайланади? Бу ерда ўтган йили ҳам ҳар хил сабаблар билан техника ремонтни чўзилиб, чигит экиш пала-партиш олиб борилган, бундай кечикишларнинг таъсири пировардида ғўза парвариши даврида кўпроқ сезилиб, ҳосил камайиб кетган эди. Наҳотки бундай ўзибўларчилик бу йил ҳам давом этса?

Биз «Дўстлик», «Гулистон», Улуғбек номли, Алишер Навоий номли хўжаликларда ҳам техникани таъмирлашда кишини ачинтирадиган ана шундай воқеаларни кўрдик. Наҳотки бу хўжаликларнинг раҳбарлари ҳозирги кунларнинг ғанимат эканлигини, ундан иложи борица самарали фойдаланиш лозимлигини унутган бўлсалар?

Бўка туманида ўтган йили пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Аммо маррага етолмай ярим йўлда қолиб кетган хўжаликларда экишга тайёргарлик кўришда ташкилотчиликнинг йўқлиги, техникани созлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги асосий нуқсонлардан бири бўлди. Афсуски айрим хўжаликларда бундай ўзибўларчилик бу йил ҳам такрорланаяпти. Шу сабабли туман ҳокимлиги, кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари аҳволни зудлик билан тўғрилаб, экишга тайёргарлик кўришда кескин бурилиш ясашлари лозим. Акс ҳолда яна «аттанг» деб қолишлари мумкин.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсус мухбири.

БИРИНИ КЎРИБ ШУҚУР ҚИЛАСИЗ...

— Бу йил туманимиз бўйича 16,8 минг гектар майдонда пахта етиштирилади, — дейди туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг муовини Ҳабибулла Абдуллаев. — Шу жумладан 5067 гектар ерга чигитни плёнка остига экомқимиз. Уруғлик асосан келтирилиб, дориллаб қўйилди. 5800 гектар ерга «Фарғона-3», қолган майдонларга эса «С-65-24» нави экилади. Плёнка тагига чигит экадиган 50 та сеялка сифатли қилиб таъмирлаб қўйилди. Шу ой охиригача яна бир қаторли 59 та ҳамда икки қаторли 18 та маҳсус сеялка олинади. Хўжаликнинг устаналарида бутун куч ва имкониятлар биринчи навбатда экиш техникасини созлаб қўйишга қаратилаяпти. Ҳозирча 219 чопиқ тракторлари, 240 та сеялка, 3200 та тишли бороналар мавсумга тайёрланди. Етук ва тажрибали мутахассислар иштирокидаги комиссия уларни синчиқлаб текшириб қабул қилиб олаяпти.

Барча хўжаликларнинг раҳбарлари ва муҳандислари Оққўрғон туманидаги «Султонобод» хўжалигида плёнка остига чигит экиш бўйича ўтказилган кўргазмали семинарда қатнашиб, тажриба ўрганиб қайтишди.

Ҳақиқатан ҳам туманда баҳорги мавсумгача қолган ҳар бир кунни ғанимат билиб, кам-қўстларни тўғрилаб,

тайёргарлик ишларини жадаллаштираётган, далани, уруғлик ва техникани шайлаб қўётган хўжаликлар кўп. Шулардан бири «Туркистон» ширкатлар хўжалигидир. Бу ерда ўтган йили айнан баҳорги мавсумга пухта тайёргарлик билан киришилмаганлиги сабабли чигит экиш чўзилиб, сифатсиз бажарилган, бу эса ўз навбатида ғўза парваришига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Хўжалик пировардида 2080 тонна ўрнига 1280 тонна ҳосил топшириб, режани аранг 60 фоизга еткази олмади, холос.

— Биз бу хатолардан тегишли сабоқ чиқариб олдик, — дейди хўжалик бошқарувининг янги раиси Сайфиддин Сайдуллаев. — Дастлаб экин майдонларини сифатли қилиб шудгорладик. Бошқарув жамоага қишқи дала ишларининг экиш мавсумида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушунтирдик. Мана натижа — етарли миқдорда ўғит чиқарилди, ариқ ва зовурлар ҳам тозаланди. Барча чопиқ тракторлари, сеялка ва культиваторларни ҳам таъмирлаб бўлди. Пленка остига чигит ташлайдиган иккита сеялкага қўшимча яна иккитасига буюртма бердик. Чунки бу йил 285 гектар майдонга Андижонча усулда уруғ экамиз.

— Уруғлик чигит тайёрлаш қандай бо-

раяпти?

— Бекобод туманидаги «Далварзин» уруғчилик хўжалигидан 23 тонна сархил чигит келтириб, дориллаб қўйдик. Яна 52 тонна чигит тайёрлаймиз. Бизнинг тупроқ шароитимизга жуда ҳам мос тушганлигини эътиборга олиб, бу йил 890 гектар майдоннинг ҳаммасига фақат «С-65-24» навли чигит экамиз. Ҳар бир оилавий пудратчи билан гектаридан 23,5 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан шартнома туздик. Ерли — сув-

ли бўлган кишиларнинг куч-ғайрати бу йил албатта берилган ваъдага яраша мўл ҳосил етиштиришимиздан далолат бераёпти.


Биз бундай ҳаракатларни Йўлдош Хожиматов номли, «Ачамайли», Гаффор Азаматов номли ширкат хўжаликларининг дала ва устаноларида ҳам кўрдик. Бу хўжаликларда баҳорги экишга ҳамма нарсалар — далалар, ариқ ва зовурлар, техника воситалари шайлаб қўйилган.

БИРИНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛАСИЗ...

Ҳа, шундай. Кўп хўжаликларда экишга тайёргарликнинг яхши бораётганини кўриб қаноат ҳосил қилган бўлсак, баъзи хўжаликлардаги аҳвол аксинча кишини жиддий ташвишга солиб қўймоқда. Жумладан С. Саймоқов номли хўжалик устаносидаги техниканинг аҳвали афсусланарли даражада. Мавжуд 8 сеялка тайёр бўлди, деб

рўйхатга олинибди-ю, бироқ энди 4 тасигина таъмирланибди. 8 та чопиқ тракторларидан 2 таси чала-чулла созлангани шундоқ кўриниб турибди. Тишли бороналарнинг ҳам ярмидан кўпи таъмир кутиб турибди. Аҳвол ана шундай давом этаверадиган бўлса, чопиқ тракторлари қачон тайёр бўлади-ю, уларга қачон сеялалар тиркалади — буниси номаълум.

Хўжалик раиси С. Саймоқов «Ҳар кун устанонага бирров келиб, таъмирловчилар билан «ҳорма-бор бўл», қилиб кетаётганини, қолган техникани созлашни тезлаштиришнинг чоратadbирларини кўраётганини» айтди. Аммо бу ерда баҳоналар кўпу амалий иш оз бўлаётганини таъмирлашнинг сусти бораётганидан, таъмирловчи усталарнинг баъзан ишга келиб, баъзан келмай



Мутахассис тавсиялари

Мустақил Республикаимизда ғалла мустақиллигига эришишда қисқа давр ичида талайгина ишлар амалга оширилди. Илғор туманлар, хўжаликларда бу экиндан баракали ҳирмон кўтарилмоқда. Ҳар гектар ердан 40, 50 ва ҳатто 60 центнерга етказиб ҳосил олаётган жамоалар бор. Лекин умуман олганда ҳосилдорлик ҳамон талаб даражасида эмас.

Бунинг асосий боиси шундаки, ерни экишга тайёрлаш, уруғликни ўз вақтида экиш, парвариш қилиш жараёнларида ва шу билан биргаликда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитига мос нав танлашда камчилик ва хатоликларга йўл қўйилаётганлигидандир. Булар, табиийки, бизга сабоқ бўлди. Ундан тўғри ва оқилона ҳолга чиқариб олган вилоятимиз деҳқонлари ҳам янги йилда ғалла ҳосилдорлигини, унинг ялпи миқдорини кескин ошириш чоратadbирларини белгилаб олдилар ва бу борада самарали иш олиб бормоқдалар. Энг муҳими нав танлашда тўғри қарорга келдик. Вилоятимизда ғалла учун ажратилган асосий майдонларга ўтган йил кузида бугдойнинг Россиянинг Краснодар ўлкасидан келтирилиб иклимлаштирилган Скифянка нави экилди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, агар бу нави илғор технология асосида парвариш қилинса ҳар гектаридан 60—70 центнергача ва ундан ҳам ошириб ҳосил олиш мумкин.

Булар нималардан иборат? Аввало навнинг биологик хусусиятлари, умумий тафсилотлари ва парваришlash қоидалари ҳақида.

Бу нав кучли бугдой ҳисобланади, анча жадал суьратда ўсади, рисоладагидек парваришни талаб қилади. Баландлиги 80—90 сантиметрдан ошмайди. Худда-

«СКИФЯНКА» ДАН ҚАНДАЙ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН?

беҳудага ётиб қолмайди. Дони тўқилмайди. Тез пишар. «Безостоя» навидан 5—6 кун олдин етилади. Бошоқлари пишган вақтда эгилувчан бўлади. Дони йирик. Уни ва нон сифати аъло. Кузда экиб қўйилган ва ундириб олинган майсалар совуққа ва шу билан бирга қурғоқчиликка анча чидамли.

Сариқ занг касали билан кучсиз, ун шудринг касали билан эса ўрта даражада «огрийди». Септариоз ва поя занг касаллигини эса ўзига «тез олади», лекин шуниси муҳимки, бу нав юқорида айтганимиздек, тезпишар бўлганлиги учун айтиб ўтилган касалликлар ҳосилдорликка деярли салбий таъсир кўрсатмайди. Лекин барибир гафлатда қолмаслик, касалликлар аниқланган захотиёқ уларга қарши кимёвий усулда ишлов беришни амалга ошириш зарур бўлади. Шундай қилган деҳқон сира ютказмайди.

Бу нави имкони борица биринчи навбатда ўтмишдоши яхши бўлган экинлардан кейин экиш

экиш олдидан ва уруғлик униб чиққанидан сўнг тупроқдаги намликнинг етарли бўлмаслигидандир. Шунинг учун кузги ғалладан 40—50 центнердан ҳосил олиш учун 3,8—4,0 минг кубометр, 50—60 центнер ҳосил олиш учун 4,5—5,0 минг кубометр сув сарфланиши керак. Бугдой ва арпа ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва донининг бўлиқ бўлишида илдииз тизимининг қанчалик даражада ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Пояларнинг бақувват бўлиб ўсишида, демаски, юқори ҳосил тўпланишида иккиламчи поя илдиизларининг иштироки катта бўлади. Илдииз тизими қанчалик кўп ва тупроққа чуқурроқ жойлашса ҳосил шунчалик юқори бўлади.

Кўпчилик жойларда баъзи йиллари куз узок муддат давомида илик ва қуруқ келиши мумкин. Ана шунда ёғингарчиликнинг бўлишини кутиб ғаллани суғоришга яхши эътибор бермайдилар. Натижада бундай далалардаги ғалла майсаларининг тулланиши ҳамда иккилам-

чи илдииз тизими фақат баҳор ойларига келиб пайдо бўлади. Бу эса нав қанчалик яхши ва ҳосилдор бўлмасин, пировард натижага салбий таъсир қилмасдан қолмайди. Кузда экиш олдидан ёки уруғлик униб чиққандан сўнг суғориладиган бугдойнинг иккиламчи томилари кузнинг ўзидаёқ 30—40 сантиметр, бирламчи илдиизлар эса 60—70 сантиметр

чуқурликка етади. Бугдойнинг асосий илдииз қисми жойлашган 20—30 сантиметр қатламда доимо мўътадил намлик сақланиб туриши зарур. Агарда бу муҳим агротехник тадбирга яхши эътибор берилмаса, уруғ экилгандан сўнг то кеч кузги ёғингарчиликка бўлган 70—80 кун мобайнида ўсимлик чанқаб қолади. Шунинг учун ҳам уруғ униб чиққандан сўнг 8—10 кундан бошлаб, гектарига 400—500 кубометр ҳисобидан сув югуртириб, қисқа муддат ичида суғориш лозим.

Баҳорда енгил кумоқли тупроқларда ғалланинг эрта баҳорда туллаш даврида озиклантирилгандан кейин бериладиган сув гектарига 500—550 кубометрни, найчалаш даврида 550—650 кубометрни, бошоқлаш даврида эса 650—750 кубометрни ва охириги тўртинчиси «сутлик» — пишиш даврида 700—750 кубометрни ташкил этиши лозим. Сизотсувлари юза (1—3 метр) ерлардаги экинга одатдагидан

15—20 фоиз кам миқдорда сув қуйилади.

Дон ҳосили суғориш усулига, жўялар оралиғига ҳам боғлиқ. Тупроғи шўрланмаган, мелiorатив ҳолати яхши ерларда жўялар ёрдамида сув қўйилади. Бунда жўяларнинг оралиғи тупроқнинг механик таркиби ва сизот сувларининг саёз ёки чуқурлигига боғлиқ ҳолда 70—100 сантиметр қилиб олинади. Суғоришни тезлашти ва сувни тежаш учун ўқариклар оралиғи 80—100 метрдан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тавсияларни ҳисобга олиб, туманлардаги ғалланинг ривожини таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда жуда кўп амалий — агротехник чоратadbирларни вақтни қўлдан бой бермасдан бажариш керак бўлади. Ҳаво жўнашиб, кунлар исиб кетиши биланоқ барча ишчи, кўчаларни биринчи навбатда дон ғўзапои орасига экилган майдонларда иш олиб боришга ва ғўзапоини тозалашга сафарбар этиш, бу ишни қисқа муддатда тамомлаш зарур. Шу билан бирга ҳар бир хўжаликда ғалла майсалари сийрак бўлиб қолган жойларга қўшимча уруғлик экиш ғоят муҳим вазифадир. Бунда майдонларни юқори нормадаги минерал ўғитлар билан озиклантиришни ҳам унутмаслик керак.

Қисқаси ғалла майдонларида қулай фурсатларни бой бермасдан парвариш ишларини илғор технология асосида амалга ошириш мўл ҳосил гарови эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз зарур.

Ғиёс РАҲИМОВ,
вилоят уруғчиликка ихтисослашган «Элита» бирлашмасининг раиси,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ТАБИАТДОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ

Долзарб мавзу

ВИЛОЯТИМИЗДА йирик саноат корхоналарининг фаолияти натижасида иккиламчи табиий хом ашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг умумий ҳажми 1 миллиард тоннага яқинлашиб қолди, эгаллаб турган ер майдони эса 3148 гектарни ташкил этади. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг чиқиндилари ниҳоятда кўпдир. Вилоятимиздаги барча тўпланиб қолган шундай хом ашёларнинг 92 фоизи унга тегишлидир. Олмалиқдаги «Аммофос» ҳиссадорлик корпорацияси, «Қизилқумнодирметаллолтин» ҳиссадорлик жамиятининг 2-кон бошқармаси чиқиндилари ҳам катта майдонларни эгаллаб ётипти.

Бу чиқиндиларнинг кўпчилиги иккиламчи хом ашё ҳисобланади. Улардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу қимматли хом ашёларни қайта ишлаш масалалари ниҳоятда суст ҳал қилинмоқда. Чунончи, 2-кон бошқармасининг чиқиндилари асосан турли қумлардан иборат. Уларнинг таркибидаги кварц 50-60 фоизгача боради. Бу эса фақат қурилиш учунгина эмас, айни вақтда ойна-созлик саноати учун ҳам қимматли хом ашёдир. Ҳозир ҳар йили 40 минг тонна шундай чиқинди тўпланиб қолмоқда. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга эса уларнинг фақат ярми етказиб берилмоқда.

«Аммофос» ҳиссадорлик корхонаси чиқиндилари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бу ерда тўпланиб қолган фосфоганч 60 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Унинг таркибида қимматли ҳисобланган ганч

анчагина бор. Бундан эса турли ишлаб чиқаришларда фойдаланиш мумкин. Фосфоганччи хом ашё сифатида ишлатиш бўйича ўндан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланганлиги ҳам шундан далолат беради. Бироқ уни саноатда қайта ишлаш масаласи ҳозирги кунгача амалда ҳал қилинганча йўқ.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати чиқиндиларининг кўп қисмидан ҳам фойдаланса бўлади. Бу ерда вольфрам ва молибден қолдиқлари тўпланиб, ўн йил давомида катта ҳажмга етди.

Корхонанинг бошқа чиқиндилари ҳам тоғ-тоғ бўлиб тўпланиб ётипти. Лекин улардан фойдаланишга қизиқилмаяпти. Чиқиндиларни қишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ҳам ишлатиш мумкин.

Корхона маъмурияти, айниқса, гидрометаллургия цехлари чиқиндиларидан фойдаланиш масаласини ҳал қилиши лозим. Чунки уларни жойлаштириш учун ажратил-

бойликларни сақлаш ва чиқиндилардан қайта фойдаланиш устидан назорат олиб боради. Нозирлик ходимлари геологлар, олимлар, ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш билан чиқиндилар тўпланган жойларда иш аҳволини батафсил ўргандилар. Уларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган қандай тадбирлар кўриш кераклигини белгиладилар.

Бу масала қўмита хайъатининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди. У қабул қилган қарорда иккиламчи хом ашёлар, чиқиндилардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаш ва зарарсизлантириш бўйича ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди. Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари зиммасига иккиламчи хом ашёларнинг ҳосил бўлиши, сақланиши ва қайта ишланиши устидан назоратни кучайтириш, авария ҳолатлари ҳосил бўлган тақдирда уларни зудлик билан бартараф этиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Салоҳиддин ПАРПИЕВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиий бойликларни муҳофаза этиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш нозирлиги бошлиғи, техника фанлари номзоди.

ҚАЧОН АМАЛИЙ ИШГА ЎТИЛАДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ сув тармоқлари бошқармаси жамоаси зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилган. Ишчи-хизматчилар Чирчиқ дарёсининг бошланиш қисми ва унга оқиб тушадиган кўпдан-кўп сув тармоқларининг ҳолатидан кўз-қулоқ бўлиб турадилар, оби ҳаёт ифлос булмаслиги, доим тоза ва зилол бўлиши ҳақида қайғурадилар. Шунинг учун ҳам улар ўз ишларида табиатни муҳофаза қилиш нозирлари билан яқин ҳамкорлик қилишади. Ушбу суратда бошқарма муҳандиси **И. Жумақулов** (чапда), биринчи участка бошлиғи **А. Умаров** ва хизматчи **С. Шинларнинг** навбатдаги қилинадиган ишлар режаси ҳақида ўзаро суҳбатлашаётганларида кўриб турибсиз. Улар айни вақтда табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг жамоатчи нозирлари ҳам ҳисобланишади.

Владимир ГРАНКИН
олган сурат.



Саҳифа почтасидан

МУАММОЛАР ТИЛГА ОЛИНДИ

Ангрендаги 33-мактабда шаҳар кутубхоначиларининг экологик семинари ўтказилди. У Президентимиз **И. А. Каримовнинг** «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли китобиغا бағишланди.

«Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир» дейилади китобда.

Ҳақиқатдан ҳам инсониятни хавф остида қолдираётган муаммолардан бири экологик вазият ҳисобланади. Сув ҳавзаларининг ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чиқинди моддаларининг ортиб бориши натижасида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, энергия ва чучук сув муаммолари, жамиятнинг табиатга таъсирининг кучайиши экологик вазиятни мураккаблаштирамоқда. Семинарда сўзга чиққан кутубхоначилар айнан шу муаммолар ҳақида тўхталдилар. Унда мактаб ўқувчилари ўз қўллари билан ҳайвонлар ва қўшларнинг ёғочдан ва новдадан ясалган шакллари, табиат ҳақидаги расмлар ва экспонатларни семинар қатнашчиларига намойиш қилдилар.

М. БОТИРОВ.

ҲАР БИРИДА БОҒ БЎЛАДИ

ЯНГИЙЎЛДА ҳавонинг тоза бўлишига ёрдам берадиган кўкаламзорлаштириш ишларини бу йил ҳам кенг кўламда давом эттириш назарда тутилмоқда. Наврўз байрамига тайёргарлик давомида бу ишларга алоҳида эътибор берилади. Шаҳар ҳокимлиги, табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси корхона-ташкilotлар билан биргаликда бу соҳада ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдилар.

Шаҳар кўчаларига 10 минг тупга яқин меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Бундай ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ бошланиб кетди. Ҳар бир корхонада эса мевазор боғ, яшил минтақа ташкил этишга киришилди. Кўчалардаги яшил дарахтларни янгилаш ҳам назарда тутилди.

Фарида ТУРСУНҚУЛОВА.



Хор қилсанг, зор бўласан • Французлар ёрдамида • Мағлублар ҳам қуруқ қолмадилар

АНГРЕН шаҳридаги саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар жамоалари шу кўрик-танловда фаол иштирок этдилар. Айниқса, «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссдорлик жамияти бу соҳада яхши натижаларга эришди. Корхонада экологик аҳволни яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш майдонларининг санитария-гигиена талаблари даражасида бўлишига эришиш учун жуда кўп чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳиссдорлик жамияти директори Шевкет Меметович ОСМОНОВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Корхонамиз фақат мустақил Ўзбекистон, шунингдек, Ўрта Осиёдаги қардош давлатларни картон идишлари билан таъминлашга мўлжалланган. Биз маҳсулотни асосан ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш йўли билан тайёрлаяпмиз. Макулатура, целлюлоза асосий хом ашёлар ҳисобланади. Бу билан ҳар йили ўнларча минг гектар ўрмонларни тежаб қолиш имконини яратаяпмиз. Сувдан фойдаланиш соҳасида ҳам тежамкорликка алоҳида эътибор берилмоқда. Илгари қимматли оби-ҳаёт жуда кўп ишлатиларди, етарли даражада тозаланмасдан оқизиқ юбориларди. Кейинги йилларда тоза ичимлик сувини ишлатишни камайтиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширдик. Сувни истеъмол қилишда биқик усул жорий этилди: ишлатилган сув қайтадан фойдаланиляпти. Бунинг учун махсус тозалаш иншоотлари қурилди.

ЧИҚИМИ БЎЛСА ҲАМ, ФОЙДАСИ КАТТА

Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти вилоят бўйича ўтказилган «Экология ва саломатлик кунлари» кўрик-танловининг ғолиби бўлди

Ҳозир биз илгариги вақтдагига қараганда тоза сувни бир неча баробар кам ишлатаяпмиз.

Картон ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган ва таркибида тола бор чиқиндилардан фойдаланишни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг учун толали плиталар ишлаб чиқарувчи махсус цехни фойдаланишга топширдик. Бу ерда ҳар йили 2 миллион куб метрдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. У мебель ва бинокорлик сано-

ати корхоналарида кенг ишлатиляпти. Ишлаб чиқаришда чиқиндилардан ташқари лент, каноф пояси, сомон ва похол ҳам фойдаланилмоқда. Цехни ишга тушириш билан илгари корхонамиз чиқиндилари билан банд бўлган салкам 40 гектар ер фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирилди. Бу ерда экинлар экилмоқда.

оширилмоқда. Корхонамиздаги технологик линиялар замонавийлаштирилмоқда. Бунда бизга Франция фирмаси ёрдам бермоқда. Бу билан янги мева-сабзавот маҳсулотини сақлаш ва ташиниш муаммоси тўла ижобий ҳал бўлиши мумкин. Шу мақсад учун ишлатиладиган ғовакли картон идишлари

қилиш ишлари жамоанинг меҳнат, турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга олиб борилмоқда. Бу соҳада кўпгина ишлар рўёбга чиқарилди. Бутун бир уй-жой мажмуи барпо этилди. Бунда 14 та шинам кўп қаватли уйлар бор. 320 ўринли болалар боғчаси ишлаб турипти. 400 кишига мўлжалланган ётоқхона мавжуд. Савдо ва умумий овқатланиш комбинати барпо этилмоқда. Унинг таркибида 6 та дўкон, 3 та ошхона, иссиқхона, молхона, ем-хашак тайёрлаш цехи мавжуд. Комбинат ишчи-хизматчилари йил бўйи янги сабзавотлар билан таъминлаб турилибди. Бундай дармондорига бой маҳсулотлар ўзимизнинг иссиқлик мажмуамизда етиштириляпти. Лимонхона ҳам бор. Бундан ташқари, 60 ўринли профилакторий ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда Тўғонбошсойида дам олиш базаси қурилмоқда.

ишлаб чиқарувчи экологик хавфсиз хорижий асбоб-ускуналар харид қилинди ва ишга тушириляпти.

Бизда табиатни муҳофаза

Ёш жамоамиз мустақил Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Биз халқ хўжалиги учун кўплаб талаб қилинаётган картон турларини ишлаб чиқаришни кенгайтирамыз, янги хилларини тайёрлашни ўзлаштирамыз ва айни вақтда корхонанинг экологик ҳолатини яхшилаш, картончиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрликни давом эттирамыз.

Сухбатдош: Ч.ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

Босилмади, аммо, чора кўрилди

АЙБДОР ЖАЗОЛАНДИ

ГАЗЕТАМИЗ таҳририятига ўтган йилнинг 26 декабрида келган шикоят хатида Тошкент денгизининг ўнг соҳилида жойлашган ўрмон хўжалигида кейинги уч йил ичида чинор дарахтлари кўплаб кесиб юборилаётганлиги ҳақида ёзилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборилди. Таҳририятимиз қўмита раисининг ўринбосари М. Аъзамовнинг имзоси билан жавоб олди.

— Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари, — дейилади жавобда, — шикоят хати асосида Туя-Бўғиз кўрғонида яшовчи бир гуруҳ хасталар ва факрийлар юборган шикоят хати асосида Уртачирчиқ туманидаги юрак хасталиклари шифохонаси ва Тошкент денгизи яқинидаги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудларидаги, бу ҳудудлардаги Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасига қарашли дарахтларнинг кесилганлиги юзасидан текшириш ўтказдилар. Ҳақиқатдан ҳам Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасининг 1994 йил 27 апрелдаги 69-сонли фармойишига мувофиқ қариган ва касалланган дарахтлар кесилган. Улар шу қўмитанинг буйруғига мувофиқ тарихий обидаларни тиклаш ва ёдгорликлар тайёрлаш учун «Усто» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент шаҳридаги «ЎЗИЛАЗ» гугурт фабрикасига юборилган. Лекин, бу иш табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилмаган. Шунинг учун ҳам «Туя-Бўғиз» ўрмон хўжалигининг катта ўрмончиси А. Юсупов жавобгарликка тортилди. Ўрмон хўжалигида кесилган дарахтлар ўрнига ёш терак ниҳоллари экилди. Юқорида кўрсатилган дам олиш базаси ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳининг ер майдонлари ўрмон хўжалиги балансига ўтказилди.



Қор ҳам беармон ёғди-да?

Даврон АХМАД олган сурат.

«ОХУ» — ҒОЛИБ

Чиноз тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мактабларда экология бўйича кўрик-танловлар ташкил этмоқда. Бу ўқувчиларда табиатга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялашга ёрдам берапти.

Яқинда қўмита навбатдаги кўрик-танловни иқтидорли ёшлар лицейи билан ҳамкорликда ўтказди. Унда ўқувчилардан ташкил топган «Оху» ва «Соғлом авлод» гуруҳлари экологик билим, атроф-муҳит мусавфолигини таъминлаш муам-

молари бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Унда лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Маҳбуба Низомова раҳбарлигидаги «Оху» гуруҳи аъзолари ғолиб чиқдилар. Ғолибларга ҳам, «мағлуб»ларга ҳам қимматли эсдалик совғалари берилди.

Орзикул МАЪМУРОВ.



Хулоса аниқ: шундай трест керак • Лочиннинг ўткир нигоҳи • Бу Тянь-Шяньда бўлган эди

Яқун ва таҳлил

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хайъатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш бўйича 1997 йилдаги иш яқунлари ва бу йилги вазифалар муҳофаза қилинди. Унда маъруза қилган қўмита раиси Т. Эргашев ва сўзга чиққан нотиклар шуни таъкидладиларки, ўтган йили вилоятимизда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган катта ҳажмдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида атмосферани булғатиш, сувни турли хил оқавалар билан ифлослантириш сезиларли даражада камайдди.

Вилоят бўйича тозалаш иншоотларини қуришга 132 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди. Оқавалар ҳажми эса 10 миллион куб метрга камайдди. Вилоят бўйича эришилган бундай

натижаларга Чирчиқ ва Янгийўл минтақавий, Қўйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари нозирлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Айни вақтда маърузачи ва нотиклар табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳали ҳам катта камчиликлар борлигини, ҳавони ифлослантириш йўл қўйилиши мумкин бўлган даража ошиқ бўлаётганлигини, уни бартараф этиш учун зарур чоралар суст

ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ, ЛЕКИН...

қўрилаётганлигини қайд қилдилар. Айрим чорвачилик ва паррандачилик мажмуалари ўзларининг ифлос оқаваларини сув манбаларига оқизишни давом эттирмоқдалар. Саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш жараёни жуда секин бормоқда.

Кенгайтирилган хайъат мажлиси қатнашчилари фақатгина вилоятнинг йирик корхоналарида — Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос»

ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металллар комбинати, «Бекободқора-металл»да табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳисобигагина ҳаво ва сувнинг ифлосланишини таъминлаш мумкинлигига эътиборни қаратдилар. Бунинг учун экология бўйича

мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг фаолиятини яхшилаш ва назоратни кучайтириш лозим. Атроф-муҳит мусаффолигига таъсир қилувчи, лекин шу вақтгача ҳисобга олинмаган манбаларни аниқлашда энг замонавий

анжомлардан фойдаланиш зарур. Чанг, газ, сувни тозалаш бўйича асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ихтисослашган трест тузиш ва чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Республикада «Эколог куни» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган эколог» унвонини таъсис этиш таклиф қилинди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 1997 йилдаги иши қониқарли деб топилди.

М. СОБИРОВ.

Овчи ён дафтаридан

ТОҒ СЎҚМОҚЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА кўнғир айиқ фақат тоғларда яшайди. У баланд яйловларда, арчазору чангалзорларда учрайди. Чотқол ва Пском тизмаларида улар икки — қора-тўқ жигарранг ва очик сариқ тусда бўлади. Кишни уйкуда ўтказишди. Уясини катта тошлар остида ва ёрларда яшайди. Болалари қиш авжигача чиққанида туғилади. Уларнинг кўзи орадан бир ой ўтгач очилади.

Маймоқлар асосан ўсимликлар билан овқатланади. Уларнинг пиёзлари, яшил бошоқликлар, илдизмевалар, ёз охирига келиб эса зиравор, мевалар, олмалар, ёнғоқ, дўлана ва бошқа меваларни тановул қилади. Тахминан 30 йил ва ундан ошмироқ яшайди. Оқтирноқ айиқнинг бу тури «Қизил катоб»га киритилган. У тоғларнинг ҳақиқий эгасидир.

Шимолий-ғарбий Тянь-Шянь тоғининг тузилиши ва иклими ўзига хосдир. Бу ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тоғ ёнбағирларида, жарликлар ва сойларда ўсимликлар поёни йўқ чангалзорлар, ўрмонлар ташкил этади. Бу жойларда қобонлар, бўрсиклар, тоғ эчкилари, тулқилар, бўрилар, қаламушсимонлар, қалқилар, жайралар ва бошқа кўпгина паррандалар ва жониворлар яшайди...

Бизнинг «Узбек» осма кўприкдан ўтиб, Нанай қишлоғига кириб борди ва ўрмончи уйи олдида тўхтади. Хонадон соҳиби



Неъматилла Миршоев бизни самимий кутиб олгач, илтифот билан ичкарига таклиф қилди. Бир пиёла чой устида суҳбат қурдик. Ўрмончи ёввойи ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган кўпгина қизиқарли ҳодисаларни гапириб берди. Бу ўлканинг энг йирик ҳайвони — кўнғир айиқ ҳақидаги ҳикоясини қизиқиш билан тингладик.

Кишнинг дастлабки ойи эди, — деб ҳикоясини бошлади ўрмончи, — дарахтлар барглари деярли тўкилиб бўлган, қор ҳали кўп эмасди. Кунларнинг бирида кузда ёнғоқ ва мевали дарахтлар кўчатлари экилган майдонларни айланиб юрардим. Тор сўқмоқ бўйлаб борар эканман, маймоқ билан тўқнашишга озгина қолди. Бир-биримизни ўттиз метрча масофа ажратиб турардим. Айиқ ўзининг қора мунчоққа ўхшаш кўзлари билан менга қизиқиб тикиларди. Шу вақтдаги ўз ҳолатимни таърифлаб беролмайман. Дастлаб ваҳима босди, лекин уни сиртимга чиқармасликка ҳаракат қилиб, айиққа тик қараб туравердим. Шундай ҳолатда қанча сония турганимни эслаб олмайман. Бу сониялар узок чўзилганга ўхшади, назаримда. Сўнгра бирдан иккамиз ҳам қарама-қарши томонга ташландик. Сал нарироққа бориб орқамга ҳадиксираб қараб қўйган эдим, кўзимга кўринмади. Жуфтаки ростлаб қолганлигига тўла ишонч ҳосил қилганимдан кейин ўзимга келдим.

Маймоқ билан яна бир тўқнашув жазирама ёз кунларининг бирида абадий қорлар ва музлар билан қопланиб ётган чўққилар яқинидаги баланд ясси тоғда содир бўлди. Ўрмон участкасини айланиб бўлгач, билинар-билинемас сўқмоқдан пастга қараб бир-икки қадам қўйган ҳам эдимки бошимга шағал туша бошлади. Қарадим-у жойимда қотиб қолдим. Осилган катта қоя устида кўкраги оқ катта она айиқ ёнида боласи билан менга тикилиб турарди. Олдинига чўчидим. Бироқ айиқнинг хотиржам киефасини кўриб тинчландим. Чунки бу жониворлар боласи билан бўлса улардан узоқроқ юриш, «қитмирлик» қилмаслик керак. Акс ҳолда ҳар балони кутиш мумкин...

Сўнгги йилларда Пском тоғлари ёнбағирлари ҳам одамлар билан гавжум бўлмоқда. Айниқса, хашак ва ўтин тайёрлаш, дўлана, наъматак ва бошқа доривор меваларни йиғиш мавсумида бу ерларга келувчилар кўпайиб кетишди. Уларнинг айиқ билан тўқнашган ҳодисалари кўп бўлган, бироқ шу вақтгача маймоқнинг кишиларга ҳужум қилганлигини эшитганимиз йўқ. Айиқлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда, бу қувончли воқеадир. Бундай ёввойи ҳайвонлар ноёб бўлиб қолган. Уларни келгуси авлодга ҳам қолдириш керак.


М. МАХМУТОВ.

БОШЛАНҒИЧ ЖАМИЯТЛАР ЁРДАМИДА

«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Паркент тумани бўлими ўз фаоллигини кенгайтириб бормоқда. Ўтган йили у туманда «Экология ва саломатлик кунларини» ўтказишда фаол қатнашди. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжаликларда табиатни муҳофаза қилиш, кишилар саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўтказишда ҳам фаол иштирок этди. «Энг яхши маҳалла, энг яхши кўча», «Аёл ва экология» ва бошқа қатор кўрик-танловларни уюштиришга ҳисса қўшди. Пахта йиғим-теримида қатнашганлар учун анчагина миқдорда дори-дармонлар ажратди. Шундай тадбирлар учун қирқ минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу хайрли ишлар кўп жиҳатдан жамғарманинг тумандаги бошланғич ташкилотлари кўпайиб бораётганлиги учун ҳам амалга оширилди. Ҳозирга келиб уларнинг сони юзтага яқинлашиб қолди. Деярли барча жамоаларда шундай жамиятлар ишлаб турипти.

И. Тўлаев.

Туришининг ўзи гўзал.
В. ТАРАН олган сурат.



Яшаш учун кураш • Шунақаси ҳам бўлар экан • Тилчилар учун жаннатмакон


ҒАРОЙИБ ҲОДИСА



• АМЕРИКА ва Африкада яшовчи сут эмизувчи жониворлар — ламантинлар фақат сув ўсимликлари билан озиқланади. Уларга хос бир хусусият мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу ҳайвонларнинг катта ёшдагилари ҳагининг тепаси ва пастиди 5-7 тадан қозик тишлари бўлади. Вақти келиб олдинги тишлари сийқалашади ва тушиб кетади. Худди шу соҳибада ғайритабиий ҳодиса

юз беради. Орқадаги тишлар олдинга сурилади ва тушиб кетганининг ўрнини эгаллайди. Олдинга сурилганлар ўрнида янги орқа тишлар ўсиб чиқади. Бундай ҳодиса бошқа бирорта сут эмизувчида учрамайди.



лар умумшат, шунингдек, маҳаллий миқёсларда ўтади. Уларнинг дастури кенг ва турли-туман бўлади, деб ёзади «Аляска» журнали.

Мусобақалашадиганлар кўп бўлади. Уларнинг ҳаммасига бир хил йўғонликдаги дарахтларни етказиб бўлмайди. Бунинг учун икки-учтаси етарли. Ерга тик ўрнатилган дарахт танасининг юқори қисмини қўл арраси билан тез ва аниқ

АРРАЛАШНИ ҲАМ БИЛИШ КЕРАК

• АЛЯСКАДА дарахт кесувчилик шарафли касб ҳисобланади. Чунки, бу штат АҚШнинг ёғоч-тахта тайёрлаш бўйича етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Тўғри, болта илгариги мавқеини тўла йўқотган. Бироқ дарахт кесувчилар мусобақаси ҳамон бўлиб туради ва кўп ишқибозларни жалб қилади. Бундай беллашувлар умумшат, шунингдек, маҳаллий миқёсларда ўтади. Уларнинг дастури кенг ва турли-туман бўлади, деб ёзади «Аляска» журнали.

қилиб юпқа, текис арралаш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳатто механик арра билан ҳам унинг уддасидан чиқиш амри-маҳол. Шунинг учун ҳам улар ўз ишининг усталари ҳисобланишади-да.

КИРОН

КЕЛТИРМОҚДА

• СОЧИ атрофидаги тоғларда яшовчи минглаб ёввойи қоя кабутарлари ҳалок бўлди. Уларнинг жасадлари курорт яқинидаги айрим тоғ ёнбағирларини босиб кетди. Маҳаллий ветеринария хизмати мутахассисларининг айтишича, бундай ҳодиса илгари ҳеч бўлмаган экан. Кабутарларни пастереллез — тез тарқаладиган бактерия инфекциялари ҳалок қилапти. Ҳозир тоғларда қор кўп ёққани сабабли паррандалар галалари шаҳарга яқин жойга учиб келиб, пастереллезга мубтало бўлдилар. Бу юқумли касаллик қўшни Абхазиядан келган, деб айтмоқдалар. Унинг бу республикадаги уй ҳайвонларида борлигини аниқладилар. Мутахассисларнинг фикрича, Сочи атрофида яшовчи кабутарларнинг камида 70 фоизи ҳалок бўлиши мумкин. Энг хавфлиси шундаки, пастереллез инсонга ҳам ўтиши мумкин, шунинг учун кабутарларни отиш ва айниқса тановул қилиш таъқиқлаб қўйилди, деб ёзади «Труд» газетаси.

РОППА-РОСА

13.6 КИЛОГРАММ

• БУНГА ишониш қийин, лекин, у бор ҳақиқат. Шундай картошка Саудия Арабистони ва Йордания киролик-лари чегарасидаги қишлоқларнинг бирида етиштирилди. Иккинчи «нон»ни қазиб олиш билан шуғулланаётган деҳқонлар ҳам уни кўриб аввалига ханг-манг бўлиб қолдилар. Улар узоқ йиллардан бери картошка етиштириш билан шуғулланиб келаётган бўлишларига қарамай бунақасини кўрмаган эдилар. Каттагина тарвуздек келарди ўзи ҳам. Қизиқиб уни тортиб кўришди. Тарозига қўйганларида роппа-роса 13,6 килограмм тошни босса бўладими? Ҳа, уни ўлкашунослик музейига қўйса арзийди. Бундай катта картошканинг келажакда етиштирилишига ишониб бўлмайди. Яна бир нарсаси, дейиш қийин. Табиат қандай ҳазил қилмаган дейсиз?

ТЕНГИ ЙЎК

• АВСТРАЛИЯ эвакалипти 6 минг йилгача яшайдиган Калифорния секвойасидан 10-15 марта баландроқ бўлса-да, дунёда ҳеч бир дарахт секвойага тенг кела олмайди. Унинг айланаси 40 метр келади. Бундай дарахтнинг шох-шаббаси тагида бир вақтлар «Гигант дарахт ахбороти» деган журнал редакцияси учун ўй қурилган, иккинчи томонига пианино, созанда ва 16 жуфт раққос сиққан эди.

ГУЛИНИНГ ЎЗИ
40 САНТИМЕТР

• АМАЗОНКА дарёсининг кенг тармоқларида, ҳавоси

ҲАММАСИ ДАРАХТЛАР ҲАҚИДА

худди ҳаммомдек иссиқ ва нам бўлган ғоят қалин тропик ўрмонларда чиройли қирол-викторияси (Виктория Регина) ўсади. Бу ўсимликнинг барги энг катта ва йирик бўлиб, унинг диаметри икки метрдан ортади ҳамда устига икки-уч яшар бола ўтказилса бемалол кўтаради. Виктория гулининг диаметри ҳам кичик эмас, у 40 сантиметрга етади.

ЁРУҒИДА...
КИТОВ ЎҚИЙСИЗ

• ДУНЁДА энг «ёруғ» дарахт Шимолий Африкада ўсади.

Маҳаллий халқ «Шайтон дарахти» деб галати ном берган бу дарахтнинг қобигида мавжуд бўлган фосфор тева-ратрофга тинмай нур таратиб туради. Нурнинг ёруғлиги шунчалик ўткирки, дарахт тагида, ҳатто, кечалари ҳам ўқиш ва ёзиш мумкин.

• ЖАНУБИЙ Американинг Амазонка дарёси бўйларида рафия пальмаси ўсади. Баргининг узунлиги 30 метргача етади.

• ЭНГ КАТТА тўпгул талли-

по пальмасиники бўлиб, бу гулнинг узунлиги 14 метрни, эни 10-12 метрни ташкил этади. Бу ўсимлик монокарпик, яъни умрида бир марта гулловчи ва ҳосил берувчи бўлиб, ҳосилдан сўнг пальма ҳалок бўлади.

• СЕЙШЕЛЬ пальмасининг уруғи маълум уруғларнинг энг йириги бўлиб, унинг оғирлиги 25-30 килограммгача етади. Зотан, бу уруғнинг пишиб етилишига узоқ муддат — 10 йиллар талаб этилади.

Ажабо

КЕНГУРУ ШОҲЛАРДА
ЯШАЙДИ

• ҚОПЧИКЛИ ҳайвонлар вакили ва энг йириги ҳисобланган кенгуруларнинг ерда юришини ҳаммамиз яхши биламиз. Маълум бўлишича, уларнинг айрим турлари дарахтларда юрар ва яшар экан. Шунинг учун ҳам бундай жониворларни дарахт кенгуруси деб аташади. Ўзи ҳам муъжазгина бўлади. Бўйи бор-йўғи 60 сантиметрга боради. Кенгуруларнинг бундай турлари асосан Янги Гвинея ва Австралиянинг шимолий-шарқий ҳудудларида мавжуд.

Дарахтда яшашга мослашган кенгурулар ўсимликларнинг барглари ва куртакларини, лиана, папортик, мевалар ва зиравор меваларни хуш кўради. Улар зарур бўлиб қолса анчагина узоқдаги дарахт шохларига бемалол сакрайди. Ерда ҳам оддий кенгурулардек сакраб-сакраб юради.

ЕТТИ ЮЗ ҚАБИЛАНИНГ
ЕТТИ ЮЗ ЗАБОНИ

• ПАПУА — Янги Гвинея давлатини шундай деб аташади. Албатта, бунда жон бор. Унинг гўзал ва ажойиб ўрмонлари ва чангалзорларини табиатнинг ажойиб инъомлари деб ҳисоблашади. Бу жойларда яшовчи жониворлар ва паррандалар ҳам турли-туманлиги ва кўплиги билан ажралиб туради. Ҳисобларга қараганда мамлакатда паррандалар дунёсининг 650 дан ортиқ тури яшайди. Жаннат қуши деб аталувчи паррандани ҳам асосан шу ерда учратасиз. Унинг тасвири Папуа — Янги Гвинеянинг давлат қора-қизил байроғига бежиз туширилмаган.

Айни вақтда бу мамлакатни «тилчилар учун жаннатмакон» деб ҳам таърифла-

шади. Гап шундаки, бу юртда жуда кўп сонли қабилалар яшашади, уларнинг ай-

римлари бир неча юз кишидан иборат. Бу қабилаларнинг деярли ҳаммаси бир вақтлар маълум ҳудудда яшаганлар ва ўзларидан сал наридаги тоғлар ортидаги воҳаларда истиқомат қилувчи қўшни қабилалар билан умуман мулоқотда бўлмаганлар. Шу сабабли ҳам энг қадимги ёввойи ҳаётда яшаш даврида таркиб топган тил ва шевалар сақланиб қолган. Уларнинг сони сал кам етти юзта. Бу жаҳонда мавжуд бўлган тилларнинг учдан бир қисмига тенг.

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КИМЁВИЙ
«ЖАНГИ»


• АҚШнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассис олимлари яқинда муҳим бир жараёни аниқладилар. Ёввойи ҳамда бошоқли экинларнинг элликка яқин тури рақиблари бўлган ўсимликлар билан курашар эканлар, улар ўз барглари, илдизлари ва уруғларидан заҳарли моддалар ажратар ва шу йўл билан кимёвий жанг олиб боришаркан. Рақиб бўлган ўсимликлар уруғининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бу моддалар уларнинг илдизлари ўсишига ва фотосинтез қилиш қобилиятига ҳалақат беради.

Мичиган университетининг зарарли ўсимликлар бўйича мутахассиси Алан Р. Патнэмнинг тасдиқлашича айрим ўсимликлар барглари ажратадиган ва тез таъсир қилувчи кимёвий моддалар билан бир метр ва ҳатто ундан ортиқроқ масофага таъсир этади. Айни вақтда уруғлари ва илдизлари ажратадиган шундай моддалар ҳам тахминан фақат икки ярим сантиметр масофага заҳар тарқата олади. Кейинчалик олимлар табиий заҳарли моддалардан қишлоқ хўжалик экинларининг бегона ўтлар билан курашишида фойдаланишга ҳаракат қилмоқчилар. Бу ишга ирсий муҳандисликни жалб қилишга эришиш ҳам мумкин бўлади, деб ёзади АҚШда чиқади «Интернэшнл уайлдлайф» журна-нали.



Ёлғиз овға чиқиб бўлмас,
Шерикларни кутаман.
Бир ўлжага қорин тўймас,
Иккитасини тутаман.

«Табият ва инсон» сатифалари мақолаларини
Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси ва
«Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрладилар.



«НАВРЎЗ»НИНГ НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ

Яхшилик қилувчи, саҳоват кўрсатувчи, меҳр-оқибат улашувчи кишиларнинг юз-кўзлари, аллақандай бошқача, фаришталими... бўларкан.

Қилаётган иши, лар ҳам шулар — фариштали бераётган ёрдами туфайли инсонлар. Бизга қолса, атрофдагилар, шу ёрдамга халқаро «Наврўз» хайрия мухтож кишиларнинг қувонч жамғармасида куну тун ёшларини кўрганда, дил меҳнат қилаётганларни боши-сўзларини эшитганда барча чарчоғи чиқиб кетадиган-баблар билан ёрдамга

мухтож бўлиб қолган кишилар дардини, ғамини ўз дарди, ўз ғами ва ўз ташвиши деб билган фидойи инсонлар деб таърифлаган бўлардик.

Биргина мисол келтирайлик. Ўтган йили хайрия сифатида сарфланган маблағ 18 ярим миллион сўмдан ортиқ эканини айтишнинг ўзи

жамғарма фаолиятининг кўлами нечоғли кенглигидан далолатдир.

«Наврўз» хайрия жамғармасида шу кунларда ҳам иш қизгин. Улар Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни истиқлол туфайли миллий анъаналари, қадриятларини қайта тик-

лаётган халқимизнинг томмаёнадаги ўз айёмларидек ўтказиш юзасидан катта тадбирларни белгилашмоқда. Жамғарма раиси Дадахон Ёқубов Тошкентда ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этадиган санъат ва маданият жамоаларини рағбатлантириш учун 2,5 миллион сўм маблағ ажратилишини таъкидлади. Бу ҳали ишнинг бошланиши.

Умида ФАЙЗИЕВА.

Бизнинг мулоқот

Чақалоқнинг дунёга келиши қайси хонадон аъзоларини қувонтирмаган. Унинг аста-секин чиқараётган шўх-шўх қилиқларидан, ширин-ширин гаплари-ю, атак-чечак қадам ташлай бошлаганидан кимлар хурсанд бўлмаган. Ёки фарзандининг ҳаётдан кўз юмиши кимнинг бағрини тигламаган, кимларни андух чектирмаган, дейсиз?

Ҳаёт қизиқ. Унинг бир-биридан тамомила фарқ қиладиган сўқмоқлари бисёр. Мана шу сўқмоқ бўйлаб кимдир равон, кимдир аранг юради. Сўқмоқлар ичида энг қабих ва ашаддийси, шубҳасиз, жиноят йўли ҳисобланади. Чунки, бу йўлни танлаган инсон на ўзи, на ўзгаларнинг ҳаётини ёлчилади. Энг ачинарли томони шундаки, жиноятнинг барча турлари жамият учун иллат, унинг равнақи йўлида тўғаноқдир. Ўсмир ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик мамлакатнинг маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатади. Мухбиримиз шу хусусда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича Тошкент вилояти прокурори ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси Анора ҚОДИРОВА билан суҳбатлашди.

— Анора Эргашевна, суҳбатимизни вояга етмаган ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар таҳлилидан бошласак.

— Маълумки, ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унга атроф-муҳит, оила, мактаб ва маҳаллаларда тарбиянинг сусткашликлари сабаб бўлади. Бунга ўртачирчиқ тумани Бектемир кўрғонида яшовчи Нишоновлар хонадонидан рўй берган аянчли жиноят мисол бўла олади. Мазкур жиноят 16 ёшли Жасур Нишонов томонидан содир этилган. Бу жиноятнинг илдизи ака-ука ўртасида арзимаган пул талашишдан келиб чиқади. Жасур ўз акаси Давроннинг пулини сўроқсиз олиб, ундан калтак ейди. Акаси-га кучи етмаслигини билган уқанинг қалбида бошқача йўл билан қасд олиш истаги туғилади. Жасур жиноят содир этадиган қуни уйқудан бадавқат уйғонади, қўлига болта олиб, акаси ётган уйга киради.

У болта билан акасининг пешонасига уч марта уради ва унга ўта оғир тан жароҳати етказди. Бироқ, Давроннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Жасур эса қилмишига яраша Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25-ва 97-моддалари 2-қисми билан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди. Энди ушбу жиноятнинг келиб чиқиши тарихига назар соладиган бўлсак, гап оилада тарбия масаласига етарли даражада эътибор қилинмаганлигига бориб тақалади.

Ахир ака-ука ўртасидаги адоватнинг шу даражага келишига йўл қўймаслик мумкин эди-ку. Афсуски,

бундай қилинмади. Натижада, ука томонидан хавфли жиноят содир этилди.

Демокчиманки, ҳар бир ота-она фарзандининг ҳулқ-атвори, юриш-туришини назорат қилиб бориши, вақтини беҳуда ўтказишга йўл қўймаслиги керак. Шундагина оила фарзандидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

— Сиз асосан вояга етмаган ўсмир-жиноятчиларнинг тергов ишларини назорат қилиш билан шуғулланасиз. Айтинг-чи, ана шундай дамларда бошини қуйи эгиб турган ўсмирларга нисбатан кўнглингизда раҳм-шафқат ҳисси уйғонадими ёки нафратми?

— 24 йиллик меҳнат фаолиятим давомида барча турдаги жиноятни содир этган шахслар билан учрашдим. Кимдир жиноятчилик ўта тубан иш эканлигини билган ҳолда уни ўзига қасб қилиб олади. Бошқа биров эса билмасдан, ўзгалар таъсири остида бу «қармоқ»қа илинади. Мени мана шу иккинчи тоифадаги шахсларнинг ҳолати қаттиқ қийнайди. Ана шундай вақтларда оналик меҳрим, раҳм-шафқат ҳисси устунлик қилади. Уларнинг келгусидаги тақдирини қандай кечиши ташвишлантиради. Лекин, қонун барчага баробар. Уни бошқача талқин

қилиш адолатсизликдир.

Шу ўринда Бектемир кўрғонида яшовчи 2-мактабнинг 10-синф ўқувчилари Азиз Аҳмедов ва Павел Лиларнинг жиноий ишларини эслаб ўтайлик. Бу икки дўстга шу кўрғончада яшовчи 9-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилмурод Ўлмасов ҳар доим ўз таъйинини ўтказиб келган. Улардан пул талаб қилган, дўстлари ва бошқалар ўртасида камситган, ҳақоратлаган. Натижада, мўмин-қобил ўспиринлар ўз «душман»лари Дилмуродни кўрқитиб қўйиш мақсадида ўзаро тил бириктиришган. Шу тариқа икки дўст бир хонадоннинг тўнғич фарзанди умрини ҳазон қилганликларини билмай қолишган. Биз ҳали

бир марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ачинини бўлса ҳам айтаман, кузатишларимдан шу нарса маълумки, жазо муддатини ўтаб чиққан ёшларнинг оз қисмигина ҳаётда ўз йўлини топиб кетишади. Чунки, қамок — жазоҳона. У ерда ҳеч ким бахт топмайди, аксинча бор нарсасини йўқотади. Шуларни эътиборга олган ҳолда демокчиманки, биз жиноятчи ўсмирларни жазолашдан кўра, уларни бундай йўлга тушишидан сақлаш устида кўпроқ қайғуришимиз керак.

— Танлаган касбингиздан ҳеч афсусланган пайтларингиз бўлганми?

— Аксинча, фахрланаман. Чунки, ёшлигимданок ҳуқуқшунос бўлишга қизиқардим. Оруларим Тошкент Давлат университети-нинг ҳуқуқшунослик куллийтига етаклади. Мазкур дорилфунуннинг сиртқи бўлимида таҳсил олиш билан бирга шу соҳа бўйича иш фаолиятини бошладим.

Дастлаб, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокуратурасида ходим, сўнгра талабалигимнинг охириги курсида шу туман судида судья бўлиб ишладим. Кейин Сирғали тумани прокуратурасида терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида назоратчи вазифаларида меҳнат қилдим. 1985 — 1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бош тергов бошқармасида прокурор, 1992 йилдан бугунги кунгача Тошкент вилояти прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича прокурор ёрдамчиси лавозимида ишлаб келяман. Касбимни севаман.

— Газетамиз муштарийларига тилакларингиз?

— Қайси юртда оила тинч-тотув ва хотиржам яшаса, шу мамлакатда осудалик, фаровонлик ҳукмрон бўлади. Ана шу оддий ҳақиқатни теран англаган юртбошимиз бу йилни Оила йили деб эълон қилдилар.

Зеро, оила пойдевори мустаҳкам бўлса, жиноятга йўл очилмайди. Газета жамоаси ибратли хонадонларни юзага чиқаришга уйғоқ ва сергак бўлсин, қалам кучи билан юрт, оилаларимиз оғирини енгил қилишларида ғайрат тилайман.

Суҳбатдош: Рўзибой ҲАМИДОВ.

ЖИНОЯТ — ИЛЛАТ. ЖИНОЯТЧИ КИМ?

Вилоят давлат

СОЛИҚ

бошқармасида

ЖОЙЛАРДА текширишлар давом этмоқда. Солиқ ходимлари тушунтириш ишлари олиб бориш билан биргаликда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам аниқламоқдалар. Қонунбузарлик ва қоидабузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилмақда.

«ОЛТИНОЙ»

ОЛФИРЛАРИ

